

БУНЁДКОР ҒОЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚАХРАМОН

Илхом Содиқов

“Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедраси доценти

Аннотация

Мазкур мақола Замон қахрамони тимсолини яратиш, бадий асарда характерлар тўқнашуви орқали зиддиятни кучатириш ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқариш. Бунёдкор ғояларни бадий асарда ғолиб келиши. Ижодий жараёнда қахрамон имкниятидан кенг фойдаланиш, асарда унинг ахамити тахлилий кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Театр, клерикал, режессура, қахрамон, тимсол, санъат, актёр,услуг, бадий асар, мафкура, талқи, ғоя, қарама-қаршилик.

Умуминсоний ғоялар билан суғорилган мукаммал сахна асари персонажи ўз даврининг миллий қахрамонига айланади. Улар ўз замонаси муоммоларини асарнинг бошида тугун тариқасида ўртага ташлаб, тамоша сўнгида ўзига хос ечим таклиф қилишади. Улуғ рус танқидчиси Билинский айтганидек “ Санъатнинг энг юксак вазифаси инсонларнинг қалбига таъсир ўтказишдир. Дин, сиёсат қилаолмаган вазифалар театр санъатининг вазифасига юкланади. Асирлар давомида театр санъати жамиятнинг кўзгусига айланди.¹ Авлоний ибораси билан айтганда “Театр бу минбар, ушбу минбар орқали турли тақдирлар ўртага ташлаган жумбоқ, ўзига хос ечим топади.Уларни хал этилиши йўлидаги сайхаракатлар асар қахрамонига юкланади.”²

Драматик асарлар театр жамоаси томонидан сахналаштириш учун танлаб олинар экан, унда бугунги кун муоммолари ва уларнинг ечимлари акс эттирилади. Антик даврдан тортиб, уйғониш давригача. Реалистик йўналишдан бугунги кун технология даврига қадар ёзилган асарларда ўз ғояси аксини топган. Уларни сахналаштирувчи режиссёрлар энг аввало бу асар бугунги кунда нимаси билан актуал, яъни замонавий тамошабингга ушбу спектакл орқали нима демокчиман деган саволларга жавоб ахтаради.

Сахналардан тушмай келаётган асарлардан биттаси Виллиам Шекспирнинг “Гамлет” асаридир. Гамлет айтаётган фикр бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмагандек. Савол туғилиши мумкин, Гамлет бугунги

¹ Эстетика Ю.Боръев 112-бет 1984 йил

²Фарзандиша Обиддин Махмудов Т: Ғ.Фулом 6-259



кун қахрамони бўла олиши мумкинми? Бошимизга тушадиган шафқатсиз муоммоларга тўғри ечим излашга ўртагатадиган Гамлет доим барча давр қахрамонидир.

Аристофаннинг “Аёллар халқ йиғинида” комедияси 25 асар олдин ёзилган бўлишига қарамасдан, ундаги ҳар бир сўз гуё бугун айтилгандек эшитилади. Демак, умуминсоний ғояларга хизмат қиладиган, жамиятнинг иллатларнинг устидан куладиган комедия ҳам барча даврлар учун долзарбдир. Халқнинг асарлар давомида йиғилиб келган орзуларини руёбга чиқишига ҳаракат қилган. Асарлар доим давр қахрамонини намоён қилади. Ҳар қандай сахна асарида ўз замонасининг муаммоси ва уни ечимини топувчи қахрамон хатти ҳаракатларини ифодалайди. Драматурглар асар қахрамонини турли ҳаракатда акс эттирган. Қахрамон сўзини баъзан ноўрин ишлатилишига ҳам гувоҳ бўламиз.. Баъзан маиший ёки саёз ғояларга қурилган, қилиқлар билан тўлдирилган комедияларда, кичик бир воқеаларни, муоммоларни хал қилган характерсиз шахслар ҳам давр қахрамони “унвонига” сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан жасоратли, меҳнатсевар, халқимиз орасида мард, ботир, ўз ишинининг усталари, элу-халқ ичида обро-эътиборга сазовор бўлган инсонлар ҳукумат томонидан турли унвонлар билан тақдирланмоқда. Биз юқорида айтиб ўтган, назарда тутган қахрамон унвонига сазовор бўлганлар ўрнига, ҳақиқатдан давлатимиз томонидан тан олинган қахрамон инсонлар тақдири ҳақида асарлар ёзилса, бадиий филмлар яратилса, спектакллар кўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ахир, бугунги кун қахрамонлари шулар эмасми? Бундай асарлар замонамизнинг юксак ижодкорлари томонидан театр ва киноларда буюртма асосида яратилса яхши бўлар эди. “Театр мактабининг асосий ва муҳим вазифаларидан бири -тамошабининг бадиий савиясини шакллантиришдан иборатдир.³

Яқинда бир драматург билан суҳбатлашганимда, унинг қуйидаги фикрлари мени ўйлантириб қўйди. Гомернинг даврида “Одиссея” асари қахрамонлари илохиятга қарши кураш олиб боришган бўлса, Шекспир даврида умум инсоний тушунчаларнинг бузилишига қарши курашдилар. Иккинчи жаҳон уруши даврида ёзилган асарларнинг қахрамонлари босқинчиларга қарши курашдилар. Унинг бугунги кун қахрамони қандай бўлиши керак? деган саволидан мушкул бир ахволга тушиб қолдим. Чунки қахрамонлик қиладиган майдонлар назаримда йўқдек кўринади. Ҳаётнинг ҳар дақиқаси шиддатли бўлишига қарамай, ундаги иллатлар ва кураш тарзи ҳақидаги тушунчалар

³Ж.Махмудв Актёрлик маҳорати.Ўқув қўлланма.Т.:”Билим” 6-б.



ўзгариб туради. Шунинг учун, бугунги кун қахрамони битта тизимда эмас, балки бир қанча муоммоларни устида бош қотирадиган шахс бўлиши талаб қилинмоқда. Менимча суҳбатдан драматург ўзи билмаган ҳолда, ўзининг саволига ўзи жавоб берди. Мухими қаердан келаётганинг эмас қаерга бораётганингдир.⁴

Ҳар бир даврнинг шу қахрамонлик майдони жамиятнинг қалбида, унинг турмуш тарзида, қийинчиликларида акс эттирилмаганми? Ёки ер юзининг қайсидир бир бурчагида қахрамонлик қилиш учун қуриб қўйилган махсус майдон мавжудми?

Яратганга шукр-ки юртимиз тинч, дастурхонмиз тўкин, сочин. Лекин бундай тинч ҳаётни юзага келтиришда фидойилик кўрсатаётганларнинг ҳаракати қахрамонлик эмасми? Ушбу тинч ҳаётимизни кўра олмасдан унга кўз олайтириб турганлар кам дейсизми? Ўзбек халқга ёд бўлган маънавий ва мафқурани сингдиришга, унинг кадриятларини поймол қилишга, ҳаракат қилаётган вайронкор ғоялар билан хужм қилаётганларга қарши курашга бел боғлаган ҳар бир инсон бугунги кун қахрамонидир. БуЗамонавийлик - муаммони янгича ҳал қилишга айтилади⁵ Бугун ўз оиласининг тинчлиги, жамиятнинг барқарорлиги, мамлакат, ер қуррасидаги инсониятни турмушини яхшилашда ўз илми билан, салоҳияти билан хизмат қилаётган олим-у, уломолар, оддий ишчидан тортиб то давлат бошқарувчисигача бўлган юрт фуқоролари ўз олдида қўйилган вазифаларни мукамал бажарса, уларни миллий қахрамонлар деймиз.

Қахрамон сўзи юксак ғояларни ўзида мужассам этган комил инсонга лойиқ деб биламиз. Ватан остонадан бошланади. Демак қахрамонлик оиладан бошланиши керак. Агар мактабда ёмон баҳога ўқиётган фарзанд ўзидаги ялқовлик иллатларини енгса бу ҳам қахрамонлик эмасми? Буларни драматургия талаблари асосида, пьеса шаклида қоғозга тушириш ҳам менимча қахрамонликдир.

Хулоса қилиб айтганда театр санъати инсоннинг қалбига кучли таъсир этадиган воситаси экан, у юксак ғояларга таянган, инсониятга нафи тегадиган миллий қахрамонлар яратмоғи зарур. Зеро асар ғояси, ундаги замонавий қахрамон ҳар бир мурғак қалбга уруғ сингари тушмоғи, у ерда унмоғи, бутун ҳаёти давомида эстетик идеал сифатида ижобий ҳаракатга даъват қилмоғи давр талабига айланди.

⁴ Савдогарлар устози А.Ҳаққулмуҳаммад ўғли Т.: "Илм-Зиё-Закват" 6-23

⁵ Труд актёра и педагога А.Г.Буров М:РАТИ-ГИТИС, Б-64



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тентакнинг тажрибаси М.Норбекоов –Т:Спектрм Media Group.2016й
2. Актёрлик маҳорати. Ўқув қўлланма. Т.: «Билим» нашриёти, 2005й
3. Савдогарлар устози.А.Холмухаммад ўғли” Илм-Зиё-Зақват” нашриёти 2023й
4. Ю.Борьев.Эстетика.-М.:Политиздат,1975й
5. Фарзанднома.Обидин Махмудов.Т: Ғ.Ғулом нашриёти,2020й
6. Труд актёра и педагога А.Буров М: РАТИ-ГИТИС,2007й

